

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Эрон-афғон филологияси кафедраси

Мақола

Мавзу: Форс тилида ўзлашма темир йўл терминлари

Тузувчилар: PhD. Мирзахмедова Ҳ.В.

Тошкент – 2018

Форс тилида ўзлашма темир йўл терминлари

Мирзахмедова Хулкар Восиловна
Эрон-афгон филологияси кафедраси

Бугунги кунда бошқа соҳалар сингари темир йўл соҳаси анча шиддат билан одимлаётган тизимлардан бири эканлигини эътироф этиш ўринли. Ҳозирда нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам долзарблиги ошиб бораётган мазкур тизим жаҳон мамлакатларининг умумий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, темир йўлда барча бошқарув воситалари ва ходисалари мукаммаллашиб, янгиланиб бораётгани мазкур жараёнларда янги терминларнинг юзага келишини ҳамда лексика таркибидан ўрин олишини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам ушбу тизим лексик пластидан жой олаётган ўзлашма терминларнинг қўлланилиши борасидаги тадқиқотлар ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайди.

XX асрнинг бошларида Эронга Россия орқали темир йўл транспорти ва мазкур тизим билан боғлиқ темир йўл терминлари кириб келди. Мазкур терминларнинг аксарияти инглиз ҳамда рус терминларидан иборат бўлиб, соҳа мутахассисларининг мунтазам қўллаши орқали лексика таркибидан ўрин олиб, тилга сингиб борди.¹ Бундай жараён, албатта, “Форс тили ва адабиёти академияси”ни (кейинчалик “Академия” деб юритилади) бефарқ қолдирмади. Мазкур академиянинг асосий вазифаси барча соҳа терминологияси, жумладан, темир йўл терминологиясида қўлланилувчи шу ва шу каби синтагмалар таркибидаги ўзлашма терминларга стилистик дублетларни тақдим қилишга қаратилган. Шу йўл билан академия ўзлашмаларни темир йўл лексикаси таркибидан сиқиб чиқаришга, миллий тил колоритини сақлаб қолишга интилди. Масалан:

Термин	Ўзлашма	Дублет
“шпал”	تراورس <i>terāvers</i>	ریل بند <i>reylband</i>
“аравача” (тележка)	بوژی <i>bowži</i>	هزارچرخ <i>hezārčarx</i>
“режим”	رژیم <i>režim</i>	حالت <i>hālat</i>
“сигнал”	سیگنال <i>signāl</i>	علامت <i>elāmat</i>
“берма”	برما <i>bermā</i>	هره خاکریز <i>here xākriz</i>
“платформа”	پلاتفرم <i>plātform</i>	سکو <i>sakku</i>
“тизим”	سیستم <i>sistem</i>	سامانه <i>sāmāne</i>
“контейнер”	کانتینر <i>kānteyner</i>	بارگنج <i>bārgonj</i>
“манёвр”	مانور <i>mānowr</i>	تنظیم <i>tanzim</i>

Академия бирикма терминларга тўлиқ дублетлар келтира олмаганида калькалаш йўли билан таржима қила бошлади. Сўзимизни қуйидаги мисоллар билан исботлаш мумкин:

احتشامی منوچهر. راه آهن در ایران. تهران: دفتر پژوهشهای فرهنگی. 1382 (2003 м)
احتشامی منوچهر. راه و راه سازی در ایران. تهران: دفتر پژوهشهای فرهنگی. 1381 (2002 м)

“техникавий бекат - ایستگاه تکنیکی *istgāh-e tekniki*;
“бекатнинг техникавий парки” - پارک تکنیکی ایستگاه *pār-k-e tekniki-ye istgāh*;

“техникавий хизмат кўрсатиш” - نگرهانی تخنیکي *negahbāni-ye texniki*;

“тепловоз” - لکوموتیو دیزلی *lokumutiv-e dizeli*;

“паравоз” - لکوموتیو بخاری *lokumutiv-e boxāri*;

“электровоз” - لکوموتیو برقی *lokumutiv-e barqi*;

“авторежим” - رژیم خودکار *rejīm-e xodkār* ва шунга ўхшаш².

Бундай калъа ёки дублет терминлардан ҳозирги даврда қай даражада фойдаланилаётганлиги, улардан қай бири соҳа терминологиясида фаол қўлланилаётгани каби масалаларни ўрганиш яна бир тадқиқот объектини ташкил қилади.

Терминологияга оид назарий адабиётларда термин фақат бир илмий-техник тушунчани англатиши кераклиги, илмий-техник тушунчаларга фақат битта термин мувофиқ келиши лозимлиги, терминларнинг кўп маъноликка (полисемияга) эга бўлиши, шунингдек, бир илмий-техник тушунчани ифодалаш учун ишлатиладиган турли синоним терминларнинг мавжудлиги ножиоиз ҳисобланиши айтиб ўтилган.³ Шундай бўлишига қарамасдан, тадқиқотимиз учун манба бўлиб хизмат қилган адабиётларда⁴ мазкур терминларнинг синонимлар сифатида қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Академиянинг шундай саъй-ҳаракатларига қарамасдан, форс тили темир йўл терминлари таркибидаги асосий тушунча ва ҳодисаларни ифодалаш учун қўлланиладиган терминлар ҳамон ўзлашма терминлар орқали ифодаланади. Масалан:

“вагон” - واگن *vāgon*;

“локомотив” - لکوموتیو *lokumutiv*;

“купе” - کوپه *kupe*;

“поезд” - قطار *qatār*;

“метро” - مترو *metru*;

“рельс” - ریل *reyl*;

“назорат” - کنترل *kontrol*;

“тормоз” - ترمز *tormoz* ва б.

² <http://www.persianacademy.ir>

³ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. -М.,Наука, 1977; Даниленко В.П. Современные проблемы русской терминологии. -М., Наука, 1986, Лингвистический аспект стандартизации терминологии. -М., 1993; Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. -М., Наука, 1982, Образование и правописание трехэлементных научно-технических элементов. -М., Наука, 1969; Лингвистические аспекты терминологии. Воронеж, 1980; Суперанская А.В. Общая терминология. -М., Наука, 1989; Реформатский А.А. Введение в науку о языке. -М., 1958; Петров В.В. Семантика научных терминов. -Новосибирск, Наука, 1982; ўзбек олимларидан Ақобиров С.Ф. Тил ватерминология. -Т., 1968; Ўзбек орфографияси ва терминологиясига доир масалалар; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек тилининг лексик қатламлари, -Т., Фан, 1985 ва б.

⁴ احتشامی منوچهر. راه آهن در ایران. تهران: دفتر پژوهشهای فرهنگی. 1382 (2003 م)
احتشامی منوچهر. راه و راه سازی در ایران. تهران: دفتر پژوهشهای فرهنگی. 1381 (2002 م)
فتحي ابدالله. تاريخچه راه آهن در كشورهای جهان. تهران 1349 (1970 م)
راه آهن در ایران. تهران 1379 (1990 م)

Мазкур терминлар ҳозирги форс тили меъёрларига, яъни фонетик ва грамматик қоидаларига мос келади, семантик жиҳатдан бир маънога эга ҳамда назарда тутилаётган тушунча ёки ҳодисани тўлиқ ифодалайди. Бу эса ушбу плаstda синонимия ҳодисаси доирасини кенгайтирмоқда.

Махсус тизим ҳисобланган темир йўлда ўзлашма терминларнинг (шунингдек, бирикма ва гибрид терминлар таркибидаги ўзлашмаларнинг ҳам) қайси тилдан ўзлашганлигига қаратилган тадқиқот ўз изланувчисини кутаётган масалалардандир.

Адабиётлар рўйхати

1. احتشامی منوچهر. راه آهن در ایران. تهران: دفتر پژوهشهای فرهنگی. 1382 (2003 م.).
2. احتشامی منوچهر. راه و راه سازی در ایران. تهران: دفتر پژوهشهای فرهنگی. 1381 (2002 م.).
3. علیخانی محمداسمعیل. خودکعبایی بخش حمل و نقل. تهران: انتشارات سازمان توسعه راه های ایران. 1381 (2002 م.).
4. بنادر ایران در خلیج فارس. تهران. نوشته حسین نوربخش. 1381 (2002 م.).
5. گستره فرهنگی و مرزهای تاریخی ایران زمین. نوشته ناصر تکمیل همایون. 1380 (2001 م.).
6. فتحی ابدالله. تاریخچه راه آهن در کشورهای جهان. تهران 1349 (1970 م.).
7. Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране. Дис.кан.филол.наук. –М. 2006.
8. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. - М.,Наука, 1977;
9. Лингвистический аспект стандартизации терминологии. -М., 1993;
10. Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. -М., Наука, 1982,
11. Новая история стран зарубежной Азии и Африки. Изд. Ленинградского университета, 1971.
12. Суперанская А.В. Общая терминология. –М., Наука, 1989;
13. <http://www.cdtic.ir>
14. http://www.mid.ru/bdomp/dip_vest.nsf
15. <http://www.persianacademy.ir>
16. <http://www.rai.ir>